## • РЕГИОНАЛ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

# СОЦИАЛ АДОЛАТ—ТОЖИКИСТОНДА ЯШАЁТГАН БАРЧА МИЛЛАТЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ҚОНДИРИШ СИЁСАТИ НЕГИЗИ

**А. Д. ДАДАБОЕВ,**
**Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари**

Қайта қуриш ижтимоий ҳаётимизнинг жуда кўп ўткир масалаларини ёритиб, кўрсатиб берди. Уларнинг орасида миллатлараро муносабатлар муаммолари ҳам борки, бу муаммолар турғунлик йилларида назарий жиҳатдан идрок этиш ва амалий тараққиёт доирасидан четда қолган эди.

Шу билан бирга мамлакатимиз пролетар, социалистик интернационализм принципларига асосланган ленинча миллий сиёсат туфайли ана шу сиёсатдаги бузилишларга қарамай, миллий масала каби ғоят мураккаб муаммони ҳал этишда катта муваффақиятларга эришди.

«Мамлакатимизда қарор топган тенг ҳуқуқли миллатлар ва элатлар иттифоқи, деб таъкидлади М. С. Горбачев XIX партия конференциясида, социализмнинг буюк ғалабаларидан биридир. Бу ғалаба ҳозирги пайтда бундан буён ҳам фақат ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан ўтказишгина тараққиётимизнинг бирдан-бир соғлом асоси бўлади, деб қатъий ишонч билан айтишимизга имкон беради».

Совет ҳокимияти йилларида миллий масалани ҳал этиш соҳасида партия амалга оширган катта иш социалистик интернационализмнинг мустаҳкам пойдеворини барпо этдики, халқларимизнинг бирлиги ва дўстлиги ана шу мустаҳкам пойдевор устида турибди ва тураверади.

Бироқ биз шахсга сиғиниш даврида ва турғунлик йилларида ленинча миллий сиёсат принциплари практикасидаги қўпол хатолар ва турли бузилишлардан кўз юма олмаймиз. Миллий муносабатларда кўпинча ўзбошимчалик ва догматизмга йўл қўйилди, у ёки бу миллатлар ва элатлар манфаатларига менсимай қаралди. Бошқаришнинг маъмуриятчилик-буйруқбозлик усуллари ижтимоий турмушнинг бу нозик соҳасига ҳам кириб келди.

Миллий муносабатларда муаммоларнинг йўқлиги тўғрисидаги хатарли андозаларнинг, миллий масала тўла ва узил-кесил ҳал қилинганлиги хусусидаги догматик тезисларнинг ўйламай-нетмай такрорланиши ва ижтимоий онгга ёппасига сингдирилиши жуда катта зарар етказди.

Шу билан бирга айрим республикалар, автоном тузилмалар ва миллий группаларнинг социал-иқтисодий ва маданий тараққиёти эҳтиёжларини етарлича ҳисобга олинмаганлиги ижтимоий қониқмаслик, миллатлараро негизда можароли вазиятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Ўша йилларда миллий муносабатларда ҳукм сурган дабдабабозлик ҳамда тўқиб чиқарилган муаммосизлик миллий маҳдудлик, манманлик, тайёрга айёрлик ва маҳкамачилик пайдо бўлиши ва ривожланишини пайқаб олишга имкон бермади.

Тожикистон партия ташкилоти олдинги йиллардаги хато практикадан сабоқ чиқариб, экономика, фан ва маданият соҳасида қардош иттифоқдош республикалар билан миллатлараро алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш, республикада яшовчи бошқа миллатлар ва элатлар вакилларининг тил, маданият, турмуш, диний эътиқод соҳасидаги эҳтиёжларини тўла қондириш, кадрлар масаласини, социал ва бошқа масалаларни адолатли ҳал этиш вазифаларини XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси руҳида кун тартибига қўймоқда ва ҳал этмоқда.

Бу масалаларнинг ҳаммаси бирданига тўла-тўкис ва ҳар томонлама ҳал қилинаётгани йўқ, албатта. Бунинг учун ҳам вақт, ҳам маблағ, ҳам холис ният ва доимий куч-ғайрат керак. Республиканинг партия ва совет органлари, жамоат ташкилотлари, идеология активлари миллатлараро жараёнларнинг реал ҳолатини муфассал таҳлил этмоқдалар, интернационал ва ватанпарварлик тарбияси практикасига ўз вақтида тузатиш киритмоқдалар. Биз бу ишда ҳар бир меҳнат ва ўқиш коллективига, аҳоли пунктига етиб боришга ҳаракат қилмоқдамиз. Буларнинг ҳаммаси ана шу ишларни социал-иқтисодий, маиший, экологик ва маданий вазифаларни ҳал қилиш билан мустаҳкам боғлаб олиб боришни тақозо этмоқда.

Республикада аҳолини интернационал ва атеистик руҳда тарбиялаш комплекс программаси ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Буларнинг ҳаммаси бизга истиқболни кўриш, ишни собитқадамлик билан олиб бориш имконини бермоқда. Ҳозирги вазиятни ҳисобга олиб программага зарур тузатишларни киритяпмиз.

Белгиланган тадбирларнинг қандай бажарилаётганлигини назорат қилиб бориш ҳам бу ўринда муҳим ишдир.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси ўз территориал давлат тузилмаларидан ташқарида яшовчи ёки ана шундай тузилмаларга эга бўлмаган барча миллатлар учун таълим, мулоқот, халқ ижодиёти соҳасида, миллий маданият масканларини барпо этишда, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда, диний ва бошқа эҳтиёжларни қондиришда катта имкониятларни таъминлашдек муҳим вазифани қўйди.

Бошқа иттифоқдош республикалар каби Тожикистон ҳам аҳоли состави жиҳатидан кўпмиллатлидир. Республика территориясида 80 дан ортиқ миллат вакиллари, шу жумладан, ўзбеклар, руслар, туркманлар, қирғизлар, қозоқлар, татарлар, немислар ва бошқа халқларнинг вакиллари ягона аҳил оила бўлиб яшамоқдалар ва меҳнат қилмоқдалар.

Сон жиҳатидан тожиклардан кейин ўзбеклар туради. Республика ташкил этилгандан буён Тожикистонда ўзбекларни энг катта этник группалардан бири деб эмас, балки туб аҳоли деб ҳисоблайдилар. Бу тасодифий эмас. Чунки иккала халқнинг тарихий илдизлари ва тақдири, урф-одатлари ва маданияти бир-бирига чамбарчас туташиб кетган.

Сайлаб қўйиладиган партия, совет, комсомол органларида, Тожикистон Компартияси Марказий Комитети, Тожикистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети, Тожиксовпроф, Тожикистон ЛКСМ Марказий Комитети аппаратида ўзбекларнинг вакиллари кўп, улар корхоналар ва колхозларга, жамоат ташкилотлари ва ижодий ташкилотларга раҳбарлик қилмоқдалар.

Масалан, республика Олий Совети депутатлари орасида ўзбеклар 16,8 процентни, маҳаллий Советлар депутатлари орасида 23,8 процентни ташкил этади, ўзбек аҳоли кўпроқ яшайдиган Ленинобод ва Хатлон областлари партия комитетлари составида ўзбеклар салмоғи 24-28 процентни ташкил этади. Колхоз раисларининг 28 проценти, совхоз директорларининг 21,3 проценти, хўжаликлараро корхоналар раҳбарларининг 21,7 проценти ўзбеклардир.

Ленинобод область Пролетар районидаги Тожикистонда энг катта Ленин номли колхознинг раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Абдуғафур Саматовнинг номи бутун республикага машҳур. Тожикистонда яшовчи ўзбеклар учун «Правда» форматида ҳар куни чиқадиган «Совет Тожикистони» газетасидан ташқари иккита область газетасида ўзбекча саҳифа, ўзбек тилида иккита район газетаси ва 20 дан ортиқ район ва шаҳар газеталарида ўзбекча саҳифалар чиқарилмоқда.

Республика Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувларини ҳар куни тўла ҳажмда қабул қилади. Тожикистон телевидениеси ўзбек аҳоли учун «Қамалак» номи билан ҳар ойда адабий-публицистик телекўрсатув олиб бормоқда. Шунингдек, ўзбек тилида радио эшиттириш олиб бориладиган вақт кўпайтирилди.

Тожикистон телевидениеси ва радиоси концерт программаларига ўзбек хонандалари ижро этган қўшиқларни ёки тожик артистлари ижро этган ўзбек қўшиқлари, куйлари ва рақсларини киритиш яхши анъана бўлиб қолди. Ўзбеклар кўпроқ яшайдиган районларда барча тадбирлар одатда она тилида олиб борилади. Бу ерда бадиий ҳаваскорлик коллективлари, турли клублар, қизиқишларга қараб ҳаваскорлик бирлашмалари, маҳаллий радиоэшиттириш олиб бормоқда.

Тожикистон Ёзувчилар союзида ўзбек адабиёти секцияси бор. Тожикистон мактабларида 11,2 мингдан кўпроқ синфхонада 274 минг бола ўзбек тилида ўқитилмоқда. Бу мактаблар ўқув-методик адабиёт ва ўқитувчи кадрлар билан таъминланган. Сурхондарё ва Фарғона областларидан келган кўпгина йигит-қизлар Тожикистон олий ўқув юртлари ва техникумларида таълим олмоқдалар.

Ўзбек тили — партия комитетларининг пленумларида, республика Олий Совети Сессиялари ва доимий комиссияларида, Олий Совет Президиумининг мажлисларида гаплашиладиган учинчи тилдир. Олий Совет ҳужжатлари ҳам уч тилда — тожик, рус, ўзбек тилларида нашр этилади.

Тожикистонда ўзбекларнинг миллий-маданий ва тил эҳтиёжларини қондириш юзасидан амалга оширилаётган баъзи тадбирлар ана шулардан иборат. Бу тадбирларнинг кўп қисми республика партия ташкилоти ўтказаётган миллий сиёсатнинг анъанавий хусусиятидир. Бизнинг назаримизда, барча халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашнинг бирдан-бир йўли — уларнинг маънавий ва миллий эҳтиёжларига ҳурмат билан, авайлаб муносабатда бўлишдан иборат.

Ўзбекистонда яшовчи тожикларнинг миллий, маънавий ва маданий эҳтиёжларини қондиришда ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Ўзбекистон янги раҳбариятининг бошқа миллатлар ва элатларга нисбатан турғунлик йилларида ўтказилиб келинган сиёсатдан дадил воз кечиши туфайли бунга муваффақ бўлинди. Узоқ вақт давомида Ўзбекистонда яшовчи тожикларнинг миллий ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилишига йўл қўйиб келинган эди. Бундай «сиёсат» оқаваси бизнинг кунларимизгача етиб келди ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларга зарарли таъсир қилмоқда. Бу ҳақда сўнгги даврда зиёлилар ва ёшлар орасида жуда ўткир баҳс бормоқда.

Ҳамма иллат шундаки, ўтмишда, турғунлик йилларида тўпланиб қолган салбий қатламларни зиёлиларнинг бир қисми ҳозир ҳам реаллик, халқларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳозирги принципи деб тушунмоқда. Ана шундай янглишишни фақат бир йўл билан — барча миллатлар ва элатлар учун адолатли тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар яратиб бериш соҳасида реал қадамлар қўйиш билан бартараф этиш, яна — ана шу қадамлар ҳақида аҳолини кенг хабардор қилиш билан бартараф этиш мумкин.

Иккала республика раҳбарлари муносабатларни нормал изга солиш чораларини кўрмоқдалар, ҳамкорликни кенгайтириш, қардош республикалар халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ишида шахсий намуна кўрсатилмоқда. Бу эса ижобий натижалар бермоқда ва бу натижалардан ҳар иккала томон мамнун бўлмоқда.

Экономика, фан ва маданият соҳасидаги алоқалар кенгайиб ва мустаҳкамланиб бормоқда, Ўзбекистон билан Тожикистон меҳнаткашлари дўстлиги ва ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштиришга қаратилган муштарак ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилган.

Яна бир нарсага тўхталиб ўтмоқчиман. Ўтган йили Ўзбекистон раҳбарларининг катта группаси республикамизда бўлди. Тожикистон меҳнаткашлари билдирган жуда кўп фикрларга қараганда бу икки республиканинг ўзаро муносабатларида катта воқеа бўлди. Бу учрашувлар ва суҳбатларни тожикистонликлар унутганлари йўқ. Турғунлик йилларида тўпланиб қолган умумий муаммолар ҳал этилишига ишонадилар.

Ана шу учрашувлардан сўнг Ўзбекистон билан Тожикистон Иттифоқ ҳукуматига мурожаат қилдилар: унда паспорт системаси тўғрисидаги инструкцияларнинг гражданлар қайси миллатга мансуб бўлса, паспортга ўша миллатни ёздиришдан иборат қонуний эҳтиёжларини қондиришга тўсқинлик қилувчи қоидаларни бекор қилиш таклиф этилган. Бу фақат тожиклар ва ўзбекларга эмас, бизларнинг республикамизда яшаётган қрим татарларга ҳам тааллуқлидир.

Қайта қуриш аниқ-равшан ишларга муҳтождир. Ҳозирги вақтда одамлар қайта қуришнинг асосий мақсадлари ўзларининг ҳаётий манфаатларига тўла мос эканлигини яхши тушуниб олдилар. Зиёлилар орасида ҳам ўзаро таъналар ва хафагарчиликлардан биргаликда ҳаракат қилишга, тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш устида биргаликда ишлашга ўтиш иштиёқи кучаймоқда. Биз ана шундай йўл тарафдоримиз, чунки бу йўл халқларни бир-бирига яқинлаштиради, уларга муштарак келажагимизнинг равшан йўналишларини белгилаб беради.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари этногенези ва тарихига доир қўшма илмий асарларни тайёрлаш, уларнинг тарихий ўтмишини холисона таҳлил этиш, миллатлараро алоқанинг кўп асрлик тажрибасини ижодий умумлаштириш ҳам ана шунга хизмат қилган бўлур эди.

СССР Фанлар академияси бошчилигида чиқариладиган бундай фундаментал асар бир неча ўн йилликлардан буён ана шу масалалар теварагида давом этаётган баҳсларга ва бу масалалардан ғаразли мақсадларда фойдаланишга чек қўйган бўлур эди, регионимиздаги ҳар бир халқнинг, ҳар бир республиканинг тарихини бундан буён жиддий ўрганиш учун яхши негиз бўлиб қолар эди.

Агар муаммони кенгроқ оладиган бўлсак, совет кишиларининг этнографик саводсизлигини тугатиш юзасидан, уларда миллатлараро алоқанинг юксак маданиятини тарбиялаш юзасидан тағин ҳам реалроқ ҳаракатлар лозим. Конкрет регионда, мамлакатда яшовчи турли халқлар вакилларининг маданиятини, урф-одатларини, анъаналарини билишгина яхшироқ ҳамжиҳатликка, хайрихоҳликни, меҳр-оқибатни мустаҳкамлашга, алоқа имкониятларини кенгайтиришга олиб бориши мумкин.

Ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида ана шундай иш олиб борилиши, одамлар ёшлигидаёқ ана шундай иш олиб борилиши лозим. Бу бир-бирларининг тилини билишга ҳам тааллуқлидир. Чунки тилни билиш халққа, сен яшаётган уйнинг заминига ҳурмат демакдир.

Тожикистонда унинг территориясида яшовчи бошқа миллат ва элатларнинг миллий-маданий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш юзасидан ҳам кўп иш қилинмоқда. Сон жиҳатидан руслар бизда учинчи ўринда туради. Бинобарин, бизда таълим рус тилида олиб бориладиган кўпгина мактаблар мавжудлиги табиийдир. Шунингдек, қирғиз, қозоқ, туркман тилларида ўқитиладиган мактаблар ҳам бор.

Қирғиз, туркман ва бошқа миллий мактабларни битирган ана шу миллатларнинг вакиллари уларнинг истагига мувофиқ кооперация тартибида Ўрта Осиёдаги қардош республикаларнинг олий ўқув юртларига юборилмоқда. Бундан ташқари Қирғизистон, Туркманистон ўзаро ёрдам тариқасида педагогика институтларини битирган кишиларни Тожикистондаги миллий мактабларда ишлашга юбормоқда.

Қрим татарлар ва немисларнинг миллий-маданий эҳтиёжларини қондириш чоралари кўрилмоқда.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитети билан Тожикистон ССР Олий Совети Президиуми мувофиқлаштириш ишларини яхшилаш ҳамда вужудга келадиган муаммоларни тезда ҳал қилиш учун миллатлараро муносабатлар ва интернационал тарбия масалалари билан шуғулланувчи комиссия туздилар. Миллатлараро ҳар қандай масалани ҳал этишда ишларнинг реал аҳволи, ҳар бир миллат ва элатнинг реал кайфияти бу масалаларни ҳал этиш самарадорлигига баҳо беришнинг асосий мезони бўлиши керак.

Биз республикада ана шу масалаларнинг ҳаммаси ҳал этилган ва ҳеч қандай муаммолар қолмаган демоқчи эмасмиз. Бу доимий, чамаси, ҳеч қачон тугамайдиган ишдир. Қайта қуриш ана шу фактни англаб олишимизга ёрдам берди, актив ҳаракат қилишга, кўпгина эски андозаларни тубдан қайта кўриб чиқишга, одамларимизнинг чинакам интернационал онгини тарбиялашнинг шакл ва усулларини ижодий идрок этишга мажбур қилди.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитети жойлардаги партия ва совет органлари, министрликлар ва идоралар мавжуд муаммоларни оперативлик билан узил-кесил ҳал этишлари, бу ишда расмиятчиликка мутлақо йўл қўймасликлари лозимлигини кўп марта таъкидлади. КПСС XXVII съезди ва XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг қарорларини амалга ошириш, КПСС Марказий Комитетининг СССРда миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказиладиган Пленуми барча миллатлар ва элатлар дўстлигини чинакам мустаҳкамлашга, совет халқлари ягона оиласида уларнинг ҳар томонлама ривожланиши ва равнақ топишига муқаррар равишда олиб боради, деб ишонамиз.

Мамлакатимиз миқёсида социал адолат принципларига риоя қилиш тўғрисида бир неча мулоҳазаларни айтиб ўтмоқчиман.

Республикалардаги майда миллатлардан иборат кўп сонли этник группалар ўртасида кескинликни тугатиш учун партия раҳбарияти турли этник группалар, асосан майда миллатларнинг миллий манфаатларини камситиш фактлари аниқланганлигидан ташвишга тушганлигини рўй-рост айтиши керак. Баъзи республикаларда сон жиҳатидан энг кўп халқнинг миллатини бошқа халқларга зўрлик билан тиқиштириш практикасини партия зарарли практика деб ҳисоблаётганлигини айтиши, бундай ҳоллар айбдорларнинг жавобгарликка тортилишига олиб келадиган ҳол эканлигини таъкидлаши керак.

Ҳар қандай этник группанинг таълимни ўз она тилида ташкил этишга тўла ҳуқуқли эканлигининг тан олиниши ва гарантияланишига кафолат бериш лозим.

Шунингдек, партия ва ҳукумат ҳамиша ҳар бир халқнинг, жумладан, майда миллатларнинг ҳам миллий маданиятини ривожлантириш тарафдори бўлиб келганлигини тасдиқлаш лозим. Афсуски, бир қанча республикаларда олдинги раҳбарият ана шу ленинча принципни менсимай келди. Ҳар бир этник группа, у қаерда яшамасин, қанчалик кам сонли бўлмасин, ўз халқининг маданий анъаналарини сақлаб қолиш ҳуқуқига эга эканлиги эълон қилиниши керак. Партия ва совет органлари бунга кўмаклашишлари даркор. Майда миллатларнинг маданий манфаатларини менсимаслик қораланиши лозим.

Умуман миллий маданият марказлари (маданий анъаналарни сақлаш мақсадида тузилган клублар, ташкилотлар) аҳолининг актив маданий фаолиятга эҳтиёжини кўп жиҳатдан қондириши ҳамда маҳаллий органларнинг турмушнинг мана шу соҳасига лоқайдлиги келтириб чиқарган кескинликни бартараф этиши мумкин эди.

Биз учун муштарак еримизда тинчлик ва дўстликда яшаб, барча масалаларни ишчанлик билан, бақириқларсиз ва ўзаро таъналарсиз ҳал этиб, ҳар бир халқ учун, бинобарин, барча миллат ва элатлар учун тенг ҳуқуқли, адолатли, социалистик жамиятимизга муносиб келадиган турмуш ва ҳар томонлама ривожланиш шароитларини яратиш тарих тақозосидир.

---

*26 март—СССР халқ депутатлари сайлови куни*

# ДЕМОКРАТИЯ НИМА? ОШКОРАЛИК-ЧИ?

**БУ СЎЗЛАРНИНГ** оғиздан тушмай қолганлигига тўрт-беш йил бўлди. Аммо орадан шунча вақт ўтиб, бу тушунчаларнинг туб мазмун-моҳиятини тушуниб етмайдиганлар ҳам учраб турибди. Шу боис бу саволнинг ўқтин-ўқтин такрорланиб туриши табиийдир. Биз 119-Бўка миллий-территориал сайлов округи сайловчилари вакиллари иштирокида ўтказилган сайловолди йиғилишидаги тартибсизликларни кўриб шундай хулосага келдик.

Тўғри, депутатликка номзодларнинг программалари муҳокама қилинар экан талашиб-тортишишлар, баҳслашишлар бўлиши керак, албатта. Чунки, номзодларнинг онги, билими, савияси тенг бўлавермайди, программалари ҳам бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Лекин қайси масалада, нима учун тортишиш кераклигини ҳам билиш зарур-да, ахир.

Бошидаёқ сайловолди йиғилишини очиш ёки очмаслик тўғрисида ҳеч қандай асоссиз бир соатга яқин ортиқча тортишув бўлди. Сабаби — залда Бўка райони вакиллари бошқа районлар вакилларига нисбатан кўпроқ экан. Ўн-ўн беш чоғли вакил «Бу адолатдан эмас, демократия принципи бўкаликлар фойдасига бузиляпти, йиғилишни очишга қаршимиз» деб оёқ тираб туриб олди. Уларга «СССР халқ депутатларини сайлаш тўғрисида»ги Қонуннинг 38-моддасини ўқиб беришга тўғри келди. Ниҳоят, ҳамма тартиб-қоидани англагандек бўлди. Бироқ Олмалиқ ва Бекобод шаҳарлари, Бўка, Пискент ва Бекобод районларидан қанчадан вакил таклиф этилганлиги эълон қилинганда залда яна олағовур кўтарилди, тартибсизлик бошланди. Одамлар залдаги микрофонларга ёпишиб бир-бирларига гал бермай, ҳар хил талаблар қўя бошладилар. Афсуски, бу талабларнинг бирортаси асосли ёки қонуний эмасди. Ҳалигина йиғилишни очиш учун овоз берган вакиллар энди шовқин-сурон кўтариб, уни давом эттиришга имкон бермадилар. Йиғилишда қатнашаётган область партия комитети, область Совети ижроия комитети вакиллари залдаги 400 чоғли сайловчини тинчлантиришга, қонунни яна қайта ҳижжалаб тушунтиришга ҳаракат қилиб кўрдилар. Бўлмади. Айрим одамларнинг сайловолди йиғилишининг муҳим аҳамиятига масъулиятсизларча муносабатлари, андишасизликлари шу даражага бориб етдики, улар партия ва совет органлари масъул вакилларининг қонуний сўзларига ҳам қулоқ солмадилар.

Хуллас, йиғилишни тўхтатишга тўғри келди. Ҳар қайси региондан келган вакилларнинг алоҳида-алоҳида тўпланиб, коммунистлар активлигида ўзаро маслаҳатлашиб олиш ва тўғри хулосага келингач, йиғилишни очиб давом эттириш керак, деган қарорга келинди. Шунча ўринсиз тортишувлардан кейин бўлса ҳам ниҳоят, мажлис давом эттириладиган бўлди. Дастлаб номзодларга сўз берилиб, уларнинг сайловолди программалари билан танишилди. Бекобод район марказий касалхонасининг бўлим мудири Абдураҳмон Собиров биринчи бўлиб минбарга чиқди.

— Касбим тақозоси билан,— деди номзод,— мени жиддий ташвишлантирадиган нарса республикамизда оналар ва болалар касаллиги ҳамда ўлими бошқа регионлардагига нисбатан икки баравардан зиёд кўплигидир. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Ўзбекистон водопровод тармоқлари ривожи бўйича энг охирги ўринлардан бирида. Аммо заҳарли дориларни аямай ишлатишда ҳеч ким бизга етолмайди. Ҳар йили қишлоқларимизда заҳарли дорилар нормадагидан 15 баравар кўп сепилади. Жигар, ошқозон, ичак ва асаб касалликларининг кўплиги шундан. Кўриб-билиб туриб қилаётган бу ишимизни келажак авлод кечирармикин?

Иккинчи бўлиб сўзга чиққан номзод — Пискент районидаги «Пискент» совхози директори Бектой Усмоновнинг сайловолди программаси асосан озиқ-овқат таъминотини қандай қилиб ҳал этиш масалаларига қаратилган эди.

—Гўшт, сут маҳсулотлари, сабзавот ва картошка таъминоти республикамизда 2—2,5 баравар кам,— деди номзод. —Қишлоқларимизда ҳар бир киши ҳисобига ўртача 8 килограммдан гўшт истеъмол қилинар экан. Бу РСФСРдагига нисбатан 8 баравар кам. Умуман, шу пайтгача қишлоқ шаҳарни боқиб келаяпти. Хўш, шаҳар бу қарзини қачон узади? Бу масала ҳам ўзининг адолатли ечимини кутаяпти.

Бўка районидаги «Кремль» совхози пахтачилик бригадаси бошлиғи Ўрозгул Букурова Озиқ-овқат программасини ҳал қилиш учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини такомиллаштириш, бунинг учун эса дала ва фермаларда меҳнатни ташкил этишнинг пудрат ва ижара усулларини жорий этиш зарурлигини таъкидлади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар қуриш эҳтиёжи сезиляпти. Шундай қилинса қишлоқ хонадонларида ҳам, мактаб ва болалар боғчалари дастурхонида ҳам озиқ-овқат турлари керагича бўлади. Пахта монокультурасини тугатиш, пахтакорларнинг оғир меҳнатларини тўғри қадрлаш ҳам ечимини кутаётган муҳим масаладир.

— Ҳурматли сайловчилар, — деди пировардида номзод, — менинг баён этмоқчи бўлаётган программамни шунчаки, қоралама сифатида қабул қилишингизни сўрайман. Чунки, тўлақонли программа сайловчилар билан бўладиган учрашувлар чоғида шаклланади, такомиллашади.

Пировардида сўзга чиққан номзод — Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг мис эритиш заводи ишчиси Владимир Голяченко ўз программасига кўпчиликни қизиқтирадиган бир масалани киритган экан. Аёлларга боласи уч ёшга тўлгунча нафақа берилса қандай бўларкин? Номзоднинг фикрича, бу билан давлат ютқизмайди. Биринчидан, болалар яслисини қуришдан тортиб, ишлаб турганларини таъминлашга озмунча маблағ кетадими ҳозир. Иккинчидан, боланинг ўз ота-онаси қўлида тарбияланганига нима етсин. Ясли ходими билан онанинг бола тарбиясига муносабатлари бир хил бўлмаса керак ҳар ҳолда. Эътироф этиш керакки, аслида бу таклиф моҳияти жиҳатидан диққатга сазовор, аммо ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш, ҳисоб-китоб қилиб кўриш керак.

Шундай қилиб номзодлар ўз программаларини баён этишди. Уларнинг ҳар бири уй-жой, озиқ-овқат таъминоти, экология муаммоларини ўз программаларида ҳисобга олишган. Ҳаммаси равшан бўлди. Энди округ сайловчилари номидан вакил бўлиб йиғилишга келганлар номзодлардан икки нафарини танлаб, рўйхатга олиш учун тавсия қилишлари керак, холос. Фақат СССР халқ депутати ҳар томонлама, яъни ижтимоий-сиёсий жиҳатдан етук, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши зарурлиги унутилмаса бас. Лекин мана шу ҳал қилувчи масалага келганда айрим вакиллар оддий инсоний одоб нормаларига ҳам амал қилмадилар. Ўз регионларидан кўрсатилган номзодларни кўкларга кўтариб мақташ билан қаноатланиб қолмай, бошқа номзодларни камситишга уриндилар. Айниқса, Бектой Усмонов билан Ўрозгул Букуроваларга ножўя саволлар ёғдирилди. Бундай вазият очиқ овоз беришнинг пировард натижасига таъсир ўтказмай қолмади, албатта. Бўка райони атайлаб йиғилишга ҳаммадан кўп вакил юборган, деган нотўғри тушунча бутун вазиятни ўзгартириб юборди. Бўкаликларга зарда қилган Пискент райони вакиллари Олмалиқ шаҳри вакилларига ён босдилар. Олмалиқ ва Бекобод шаҳарлари вакиллари эса бекободлик номзод учун овоз бердилар. Натижада А. Собиров билан В. Голяченко 50 процентдан ортиқ овоз олишди. Йиғилиш уларни СССР халқ депутатлигига номзод сифатида рўйхатга олишни тавсия этди.

Тўғри, кимнинг қайси номзод учун овоз бериши фақат ўзининг ҳуқуқи, эътирозга ўрин йўқ. Аммо сайловолди йиғилишида вакил бўлиб қатнашишнинг масъулияти жуда кучли. Ҳар бир вакил ўз ортида минглаб сайловчи турганлигини унутмаслиги, ўзининг йиғилишда айтган ҳар бир сўзи, ҳар бир хатти-ҳаракати ана шу сайловчилар номидан эканлигини тушунмоғи керак. Шундай экан, сайловолди йиғилиши вакиллари вақтинчалик ҳис-ҳаяжонга эмас, балки виждонларига қулоқ солишлари керак. Ана шундагина демократия билан ошкоралик ўрнини ўзбошимчалик билан андишасизлик эгалламайди.

**А. ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

---

✻

**Тошкент области ва шаҳаридаги барча сайлов округларида депутатликка номзодлар рўйхатга олиб бўлинди, сайлов ҳал қилувчи босқичга кирди. Айни кунларда сайлов участкаларида тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда.**
**СУРАТДА: Киров районидаги 55-сайлов участкаси комиссияси аъзоларидан З. Муродова, Г. Морозова, Г. Ерофеева навбатдаги вазифа хусусида келишиб олмоқдалар.**

**М. Нуриддинов** фотоси.

✻




---

• Совет болалар фонди область бўлимида

# ХАЙРИЯ БИЛЕТЛАРИ СОТИЛМОҚДА

В. И. Ленин номидаги Совет болалар фондининг республика, область бўлимлари жойлардаги болалар уйлари, мактаб-интернатларининг моддий-техника базасини яхшилашга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Ўтган йилнинг охирларида эса матбуот органларида мамлакатимизда оила типидаги шаҳарчалар бунёд этила бошланганлиги ҳақида хабар қилинди. Ёш авлоднинг жисмонан ва маънавий жиҳатдан соғлом бўлиб улғайишида бундай шаҳарчалар ниҳоят зарур деган қарорга келинди ва бу ташаббус СССР Министрлар Совети томонидан маъқулланди. 1988—1991 йилларда Иттифоқимиз бўйича 30 та ана шундай оила типидаги шаҳарчалар бунёд этилади. Шаҳарчада турар-жойлардан ташқари боғча ва яслилар, мактаблар, спорт комплекси, даволаниш ва соғломлаштириш марказлари, жисмоний меҳнат қилиш учун ер участкалари мавжуд бўлади. Турар-жойлар бир неча етим болани асраб тарбиялаётган оилаларга берилади.

Совет болалар фонди ана шундай эзгу мақсадларни амалга ошириш учун Хайрия билетлари таъсис этди.

1, 3, 5, 10 ва 25 сўмлик Хайрия билетлари сотувидан тушган маблағ оила типидаги шаҳарчалар қурилишини тезлаштиради. Яқинда СССР омонат кассаларининг область бўлимларига ҳам ана шундай Хайрия билетлари келиб тушди. Албатта ёш авлод тақдири билан боғлиқ бундай ишга бефарқ қарамай, қўлидан келганча саховат кўрсатиш ҳар бир совет кишисининг чин инсоний бурчидир. Хайрия билетларини сотиб олиб, сиз энг олийжаноб ишга ўз ҳиссангизни қўшасиз, деган умиддамиз. Уларни областимизнинг барча шаҳар ва район омонат кассаларидан харид қилишингиз мумкин.

**З. ЖЎРАЕВА.**

